

**КАМПАРАВИСТИК МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР**

**Чарос Абдуллаева**

*Фарғона давлат университети,  
адабиётшунослик каедраси мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Тезисда кампаративистиканинг баъзи назарий масалалари, ҳамда ўзбек ва рус насрининг қиёсий тадқиқга оид фикр-мулоҳазалар билдирилган. Фикрлар исботи сифатида эса ўзбек ёзувчиси Улугбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, рус ёзувчиси Грегорий Пряхиннинг “Сароб” (“Мираҷ”) романлари солиштирилади.

**Калит сўз ва иборалар:** роман, давр, қаҳрамон, типология, аналогия, адабий жараён, генетик контакт алоқа, қиёсий адабиётшунослик.

Маълумки, қиёсий адабиётшуносликда дунё адабиёти намуналарини ёки миллий адабиётларнинг етук асарлари ўзаро солиштирилади, адабий асар яратилган даври нуқтаи назаридан таққосланади, бир халқ адабиёти жаҳон адабиёти контекстида таҳлил этилади, адабий жараён ёки адабиёт тарихидаги бирор адабий ҳодиса бошқа халқлардаги ана шу ҳодисага типология, аналогия нуқтаи назари билан ўрганилади, мавзу ёки илмий муаммо аспектидан ўзаро яқин бўлган ёзувчилар асарлари текширилади, адабий-эстетик тараққиётнинг икки ва ундан ортиқ миллий адабиёт доирасидаги шакллари тадқиқ этилади. Хуллас, қиёсий адабиётшуносликнинг қатор йўналишлари борки, бу тадқиқотчидан ўзи ўрганаётган объектларни жаҳон адабиётшунослари даражасидан туриб тадқиқ этишни тақазо этади. Хусусан, XX асрнинг охирида ўзбек ва рус адабиётида содир бўлган турли поэтик эврилишлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий асослари, тараққиёт омиллари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Бирор халқ адабиётининг шаклланиши, тараққиёти, конкрет ижодкорнинг бадиий маҳорати юксалиши, халқ бадиий-эстетик идеали, тафаккур тарзини ифодалашида биринчи галда ўша халқнинг миллий ўзлигини англаши муҳим омил саналади. Бундан ташқари, умуминсонийлик контекстидаги миллий қадрият, анъана ва ўзига хослик (генеалогия), бошқа миллий адабиётларнинг таъсири, ўз навбатида бир халқ доирасидаги ички таъсир, бошқа миллий адабиётда типологик асосда шаклланган ўхшаш ҳодиса кабилар ҳам борки, адабиётшуносликдаги мазкур хусусиятларни жиддий тадқиқ доимо долзарб ҳисобланади. Булар орасида типология, адабий асарларнинг типологик таҳлили ажralиб туради. Зоро, “Типология – вақт ва манзил, давр ва замондан қатъий назар, турлича яқин ва узоқликдаги турли адибларнинг ижоди ва миллий адабиётлар аро: дунёқараш, ирқ, дин, тараққиётга боғланмаган равища зоҳир топувчи, таъсир роль ўйнамаган ҳолда бадиий тафаккур хосликларида ижодий метод, йўналиш, оқим, ижод типи ва услубидан тортиб, ҳар бир алоҳида санъаткор ижодида дунё ва инсонни кўриш ҳамда уларни бадиий акс эттириш масалаларида намоён бўлувчи яқинлик, ўхшашлик, муқобиллик, ҳаммонандлик,

айниятдошлиkdir” [2,6 ]. Академигимиз илгари сурган ушбу фикрлар кампаравистиканинг муҳим жиҳатларини қамраб олади. Лекин биз тадқиқ қилаётган муаммода тарихий тараққиётнинг маълум бир даврида ўзаро яқин алоқада бўлган икки ҳалқ адабиётида ўхшашикларни тадқиқ этиш муаммоси ҳам борки, бу ҳақда илмий манбаларда маълумотлар камроқ эканлиги кузатилади. Ҳолбуки, XX асрнинг асосий қисмида бир йўналишда ривожланган ва аср охирига келиб, бошқа-бошқа йўлдан кетишни мақсад қилган ўзбек ва рус насирида содир бўлган адабий ҳодисалар жараёнига нисбатан типологик ўхшашиклар тушунчасини қўллаш мумкин. Зеро, “Типологик ўхшашик (адабий рецепция шакли сифатида ҳам) – сўзнинг мутлоқ маъносига қараганда ҳам бу бир хил ҳодиса эмас, шунинг учун уларни ўлчов, интенсивлиги ва сабаб шартланганлиги нуқтаи назаридан диференциялаш мумкин” [1,175 ]. Олимнинг фикридан келиб чиқилса, XX аср охирида рус ва ўзбек жамиятида юз берган эврилишларни қамрови, тезлиги ва шартланганлиги нуқтаи назаридан типологиклик касб этади, дейиш мумкин. Чунки XX асрнинг тўқсонипничи йилларида энди рус ва ўзбек жамияти тараққиётида алоҳидалик бор эди. Лекин жамиятидаги ўзгаришларда ўхшашиклар кузатилар эди. Шу маънода кўрсатилган даврдаги янги жамият шаклланиши жараёнида типологик жиҳатдан ўхшашик кузатилса ҳам, миллий тафаккур, қадрият ва ҳалқ интилишига кўра, уларда қатор тафовутлар бор эди. Бу ўз-ўзидан бадиий адабиётда ҳам чуқур из қолдирди. Фикримизни ўзбек ёзувчиси Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” ва рус ёзувчиси Грегорий Пряхиннинг “Мираж” (“Сароб”) романларини ўзаро қиёслаш орқали исботлаш мумкин [4,3].

Тадқиқот обьектимиз бўлган романларда тарихий жараёнларнинг бевосита алоқаси бор. Шунинг учун бу ерда типолгик ҳодиса эмас, генетик контакт алоқа шаклларига диққат қилиш лозим бўлади. Чунки Грегорий Пряхин ва Улуғбек Ҳамдам ҳам ўзаро бир жамиятда яшаган. Улар яратган ушбу романлар ҳам деярли бир пайтда “Мираж” 1994 йилда, “Мувозанат” 1997 йилда эълон қилинган. Ёзувчилар 1991 йилдан кейин бевосита турли жамиятларда адабий алоқалар, маданий яқинликлар устун бўлган вазиятда ижод қилишган. Бу эса ҳар аккала ёзувчи романида ўтиш даври муаммолари, хусусан, маънавий ориентация муаммоси ҳамда аниқ ижтимоий мақсад ҳали шаклланмаган муҳитда персоналарнинг борлиқни қандай идрок қилиши бадиий ифодасини топган. Айниқса, ҳар иккала романда ҳам ўз манфаати йўлида турли усул ва воситалар билан ижтимоий адолатсизликка мукласидан кетган кишилар тасвири ёрқин очиб берилади. Буни ҳар иккала романда ҳам ходимни ишга жойлашиши билан боғлиқ эпизодик тасвир таҳлилида кузатиш мумкин:

“Шу тариқа, телевиденияни фақат телевизор орқали биладиган одам унинг раҳбарига айланди. Томошибинликдан телебошқарувчиликка ўтди. Шу маънода улар Павел, тузукроқ телетомошибин ҳам бўлолмаган шиширилган амалдор билан бир хил эди: партия юборган, комсомол келди. Раисга Кандидат қўйган шартлар маълум. Шунинг учун шартлардан Раиснинг энсаси қотди. Агар шу шартлар бўлмаган да эди, албатта, “юксак мартабали меҳмон”ни кутишга келармиди? Талабларни эшитгач эса, шунчаки келмади – учиб келди” [3, 216].

Мазкур парчада рус жамиятида одат тусига айланган воқелик, лаганбардорлик, ваколатидан фойдаланиб, қуи доирадаги раҳбарлар ишига аралашиш жараёни кўрсатилган. Парчадаги Кандидат бу Марказий Кўмита аъзолигига номзод шахс бўлиб, унинг ваколати нисбатан кенгроқ ва у истаса, телевединия ишини салбий ҳолатга келтириши мумкинлигидан қўрқсан раис Кандидан юборган одам қаршисига ўқдай учиб келади. Матнда ёзувчи жамиятдаги маънавий муҳит бузуқлигини ироник ифода билан берадики, бу мамлакат телеведенияси раҳбарининг янги ишга кираётган ходим олдига учиб келиши билан боғлиқ гапда, таъсир ифодаланган.

Улугбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида ҳам Акбарнинг мактабга ишга кириши билан боғлиқ тасвир борки, унда адабиёт фанидан тўққиз йил дарс берган Акбар Алиевнинг билими, малакаси, тажрибаси инобатга олинмасдан, шахс эрки, миллий қадрият ҳақидаги фикрлари учун қамалгани эътиборга олиниб, ишга қабул қилинмаслигига писанда қилишади:

“ – Тушунарли, Акбар гапини тополмай пешонасини тер босиб кетган шўрлик аёлни ортиқ қийнагиси келмади, – хотиржам бўлинг, мен бошқа келмайман, – у эшик томон йўналди.

– Шуниси маъқул, – ҳалиги кекса ўқитувчи эшитилар-эшитилмас гап отди кўзойнагининг устидан ёв қараш қилиб, Акбар эшикка етганди ... бир тўхтади, бир кўнгли, қайтгиси циркда антиқа ҳайвонни томоша қилаётгандек бўлиб ўтирган бу жамоани аччиқ-аччиқ сўзлар билан узиб-узиб олгиси келди, лекин ... шайтонга “ҳай” берди, илдам босиб чиқди-кетди...” [4, 322]

Ушбу парчада ҳам ишга жойлашиш учун ходимга ёндашишда унинг билими, малакаси, тажрибаси эмас, балки бошқа жиҳатларига эътибор қилингани кўрсатилган. Бу ерда ҳам Пряхин романидаги каби пичинг мавжуд. Бош қаҳрамон ички монологида ҳам яқинлик кузатилади. Демак, ҳар иккала ёзувчи мазкур романида қатор яқинлик борлигини кўриш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1977. – 318 с.
2. Назаров Б. Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масаларига доир / Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: таъсир ва типология (республика илмий-назарий конференция материаллари) / Ўз.Р.ФА А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. – Тошкент: Muхarrir nashriyoti, 2013. – Б.6-16.
3. Пряхин Г.В. Мираж. Роман.
4. Улугбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ.романлар ва ҳикоялар. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 544 б.